# БУ МАВЗУ ИЗЧИЛЛИКНИ ТАЛАБ ЭТАДИ

Матбуот сўзининг обрўси, газетанинг таъсири коллективнинг маҳоратига, кадрларнинг малакаси ва етуклигига, сезгирлиги ва мавзуларни тўғри танлай билишига, нуқсон ва камчиликларни дадил ва ошкора очиб ташлашига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Айниқса, атеистик мавзулар қаламга олинганда факт ва ҳодисаларнинг илмий асосланганлиги, ошкоралик, омилкорлик ҳамда чуқур таҳлил муҳимдир.

Бўстонлиқ районида чиқадиган **«Коммунизм учун» — «Коммунизм ушын»** газетаси соҳифаларига назар ташлайлик. Холисона қайд этиш керакки, кейинги вақтда атеистик тарбия масалалари газетада жиддий ва долзарб мавзулар қаторида тилга олинмоқда. Газетанинг деярли ҳар бир сонида дин ва унинг зарарли оқибатлари ҳақида ўқувчилар хабардор қилиб борилмоқда. Совет турмуш тарзини пропаганда қилувчи материаллар кўпаймоқда, эскича урф-одат ва маросимлар, бизга ёт бўлган иллатлар қораланмоқда. Оммада уларга қарши муросасизлик ҳиссини уйғотишга ҳаракат қилинмоқда.

Шу муносабат билан диққатингизга газетанинг шу йил 24 май сонида босилган «Ишонмаймиз» сарлавҳали корреспонденциясидан қуйидаги сатрларни ҳавола қилмоқчимиз. Уни Чорвоқ посёлкасидан газетхон Қодир Қўчқоров ёзиб юборган. У «дин даволамайди, аксинча заҳарлайди» деб қўя қолмайди. Диндорликнинг хунук оқибатларини ўзининг турмуши мисолида конкрет баён қилади: «Ўзларингиз биласиз,— дея у газета орқали кенг оммага мурожаат этиб ёзади,— баъзи диндор аёллар эшикма-эшик юриб, кинначи ахтаришади. Бизнинг оиимиз эса, дам олиш куни келиб ўз невараларига дам солиб кетади. Қандай қилиб?— деган савол туғилади. Уч бўлак нонни синдириб олиб, неварасини қучоқлайди ва алланималар деб вижирлашга тушади. Бечора бола калхат қўлига тушиб қолган жўжадек кампирнинг қўлидан чиқишга ҳаракат қилади... Ойимга бундай нарсалар эскилик сарқити эканлигини тушунтиришга уринсам ҳам ҳеч қандай натижа чиқмади. Аксинча, уларнинг ўзлари мени, «ҳеч нимани тушунмайдиган оми одам»га чиқариб қўйдилар.

...Хуллас, кинна солдириш оқибатида уч ёшли ўғлим Фарҳоднинг дарди ўтиб кетибди. Сариқ касали билан оғриган ўғилчам 26 мартдан 9 майгача касалхонада даволанди. Шифокорлар ўғлимга яна қайта ҳаёт бахш этдилар. Энди ҳеч-ҳеч динга, киннаю «пари»ларга ишонмаймиз. Ахир, «кинна кирди» деб ширингина ўғилчамиздан ажралиб қолаёздик-да!».

Бу аянчли воқеани бошқа ҳеч ким эмас, диннинг уйдирмасию, унинг барча фатволарининг пуч эканлигини ўз бошидан ўтказган аламзада «табиб» ёзяпти!.. Биз бу ерда шуни таъкидлашни истардикки, баъзан газетада босилган шунга ўхшаш кичик бир корреспонденция ҳаётдан йироқ бўлган «катта» мақолаларга нисбатан кучли таъсир кўрсатиши турган гап.

Лекин газета саҳифаларини кўздан кечириб, бундай таъсирчан материалларнинг ҳали кам эканлигидан афсусландик. Аксинча, «ура-ура»чилик, ялпи «қамраб олиш», гоҳо факт ва рақамлар қалаштириб ташланган, гоҳо ноаниқ ва адрессиз мақолаларга ҳам кенг ўрин берилаётганлиги яққол сезилиб турибди. Масалан, «Қабрини топа олмади» (28 октябрь 1986 йил) мақоласини олиб кўрайлик.

Унда муҳим масала ўртага қўйилган. Қишлоқда турмуш маданиятини ошириш, янгича урф-одатларни кенг оммалаштириш, хусусан, қабристонларни ободонлаштириш, ўтганлар хотирасига ҳурмат бажо келтириш ҳозирги даврда замонавий мазмун касб этмоқда. Лекин шу билан бирга диний маросимлар ўтказишга, домлаю-имом чақириб, қуръон ўқитишга

## РАЙОН ГАЗЕТАСИ ВА АТЕИСТИК ТАРБИЯ

берилиб кетиб, хатто ўз яқинларининг қабрини унутиб қўяётганлар районда ҳам оз эмас. Муаллиф шу ҳақда конкрет, аниқ адресли гаплар айтиш ўрнига умумий мулоҳазалар билан чекланади. У «афсуски юқоридаги каби воқеалар аччиқ ҳақиқат» дейдию, аммо ана шу ҳақиқатни очиқ айтмайди. Ака-укалар отасидан қолган меросни бўлиб олиш илинжида идорама-идора, судма-суд қатнаб йиллар ўтибди-ю, охир-оқибатда падари бузрукворларининг хароба мозорини ҳам тополмай қолишибди...

Кўриниб турибдики, бу ҳар бир инсонни ўйлашга мажбур қиладиган факт. Хўш, мақолада тилга олинган «номаълум ака-ука»лар кимлар эди? Нега муаллиф уларнинг адреси ва номларини газетада дангал эълон қилишдан чўчиди?

КПССнинг янги таҳрирдаги Программасида очиқ-ойдин қилиб шундай деб ёзиб қўйилган: «Партия виждон эркинлигининг Конституцияда белгиланган гарантияларига оғишмай риоя қилинишини ёқлаб, диндан жамият ва шахс манфаатларига зарар етказадиган ҳолда фойдаланишга уринишларни қоралайди». Бу ерда ҳамма нарса равшан. Аммо, кейинги вақтда Бўстонлиқда, шунингдек районнинг Ғазалкент шаҳрида уя қуриб олиб, давлатнинг дин ҳақидаги қонунларини очиқчасига поймол қилаётган, ўзларига берилган эркинликни суиистеъмол қилиб кишиларни ва айниқса, мактаб ёшидаги болаларни йўлдан ураётган, уларнинг ўқиши ва турмушига бевосита аралашиб, ҳаддидан ошаётган баптистларнинг сектантлик группалари ҳақида нима дейиш мумкин?! Ашаддий динпарастлар В. Кеммель ҳамда А. Деллерт деган шахслар ёшларни дин оғуси билан заҳарлаш, уларни ўз измига кўндириш учун ҳеч нарсадан тап тортмаётирлар.

Ана шу қонунбузарлар ҳақида район газетасининг 4 ноябрь сонида М. Фзалованинг «Икки эътиқод» сарлавҳали материали берилган. Тўғрисини айтиш керак, мақолада ўткир танқидий руҳ, илмий таҳлил, ошкоралик ўрнини авторнинг ҳиссий тасвирлари, унинг дин пешволаридан озор чекаётган мактаб болаларига шунчаки ачиниши ифодаланган жумлалар эгаллаган. Мақоладаги баъзи ўринларни ўқиб, хатто авторнинг қайси позицияда турганлигини ҳам билиб олиш қийин.

Юқоридаги мақолани ўқиб чиқиб, Ғазалкентдаги диндорлар шу қадар кучайиб кетганлигидан, уларнинг ўз кирдикорларини шу қадар ҳайиқмасдан, усталик билан ўтказаётганликларидан, бу нохуш ҳодисаларнинг олдини оладиган баъзи масъул кишиларнинг ўта масъулиятсизлигидан, тўғрироғи уларнинг дин олдидаги ожизликларидан ажабланмай илож йўқ.

Диққатингизни яна бир мақолага жалб этмоқчимиз. Газетанинг шу йил 5 июнь сонида Ғазалкент шаҳар ижроия комитети раиси ўринбосари Қ. Нормирзаев ўзининг «Жамоат жойларда атеистик тарбия» деган мақоласи билан чиққан. Мақола М. Фзалованинг «Икки эътиқод» мақоласидан тўрт-беш ой олдин эълон қилинган. Фарқи — бири танқидий, раис ўринбосари эса асосий диққат-эътиборни динга қарши олиб борилаётган ишлар, ўтказилаётган тадбирлар, лекциялар сони, кўча байрамлари, милиция, суд ва прокуратура органларининг бу борадаги «собитқадам»лигига қаратган.

Мақоладан айрим парчаларни биргалашиб ўқиймиз. «...Шаҳарнинг марказий кўчаларида ўтказилаётган «кўча байрамлари», «Оммавий сайллар» яхши натижалар бермоқда... Ана шундай байрамлардан биринчиси «Комсомол» кўчасида ўтказилди. Байрам пухта тайёргарлик ва кўтаринки руҳда, аҳолининг активлигида уюштирилди. Омма олдида шаҳар Совети ижроия комитети вакиллари, уруш ва меҳнат ветеранлари сўзга чиқдилар. Маданият уйининг «Оптимист» ансамбли концерт программасини намойиш этди».

Мақолада яна «Шаҳар Совети ижроия комитети қошида ҳам диний маросимлар ҳақидаги қонунчиликка амал қилишни назорат этувчи комиссия ишлаб турибди, комиссия аъзолари бой ҳаётий тажрибага эга бўлган кишилардир», дейилади. Бу ерда шундай савол туғилади: хўш, қонунчиликни назорат қилувчи комиссия етарли фаолият кўрсатаётган, унинг аъзолари «ҳаётий тажрибаси бой кишилар» бўлса, унда кўппа-кундуз куни ўқувчи ёшларга диний таъсир ўтказаётган Деллерт билан Кеммеллар қаёқдан пайдо бўлди? Нега улар қонунга чап бериб комиссия аъзоларининг «ўткир» нигоҳларидан четда қолди?

Александр Деллерт Ғазалкентда истиқомат қилади. Унга 1984 йилнинг август ойида шаҳар Совети ижроия комитетининг қарори билан ёзги ошхона қуришга рухсат этилган. Бироқ у ошхона баҳонаси билан 51 квадрат метрли ҳашаматли уй қуриб олди. Лекин шу билангина кифояланиб қолгани йўқ. Бу жойни махсус жиҳозлаб, ибодатхонага айлантирди. Хўш, қонунга ҳилоф равишда, ғаразли мақсадлар учун бунёд этилган бундай қурилишни ким суриштиради? Нега шаҳар Советидаги ўртоқлар ўз қарорларининг қанчалик тўғри ёки нотўғри бажарилаётганлиги устидан назорат қилишмайди?

Бу ерда «Коммунизм учун» газетасига бевосита даҳлдор савол ҳам туғилади. Хўш, газетхон қай бирига ишонсин? Қ. Нормирзаевнинг «Ҳамма ишлар жойида, атеистик тарбия талаблар даражасида» деган гапигами ёки М. Фзалованинг «Икки эътиқод» мақоласида тилга олинган салбий нуқсонларгами?!

Юқорида келтирилган камчиликлар районда атеистик пропаганданинг давр талабларига жавоб бермаслигини, газета енгил-елпи, юзаки чиқишлар билан чегараланиб, етарли даражада жанговарлик ва принципиаллик кўрсатмаётганлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг III пленуми ҳамда область партия комитетининг яқинда бўлиб ўтган пленумида атеистик тарбиядаги ана шундай жиддий камчилик ва нуқсонлар очиб ташланди, уларни тугатишнинг аниқ йўл-йўриқлари белгилаб берилди. Пленум руҳи, билдирилган танқидий мулоҳазалар, қабул қилинган қарор областимиздаги барча оммавий ахборот ва пропаганда воситалари олдига янги, янада жанговар вазифалар қўйди. Ана шу масъулиятли вазифани тўла-тўкис бажаришга ҳаммамиз сафарбармиз. «Коммунизм учун» газета редакцияси коллективи ҳам бундан тегишли хулоса чиқариб олади, деган умиддамиз.

Э. ҲАЙДАРОВ.

ОЧИҚ ХАТЛАР КУНИ

# КЎПЧИЛИК БИЛАН БАМАСЛАҲАТ

**ТОШКЕНТ район партия комитети ва халқ депутатлари район Совети ижроия комитети навбатдаги «Очиқ хатлар куни»ни Киров қишлоқ Советида ўтказдилар.**

Далалар, фермаларда, боғларда ишлаётган меҳнаткашларнинг турмуш шароитларини яхшилаш, уларга коммунал, маданий-маиший, савдо, медицина хизмати кўрсатиш билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳал қилишда район партия, совет органлари кўпгина тадбирларни амалга оширмоқдалар. Бунда улар район меҳнаткашларининг кўмаги, сафарбарлиги, социал иқтисодий масалаларни бажаришдаги активликларига таянмоқдалар. Ҳар бир масалада кўпчиликнинг фикр-мулоҳазаларини чуқурроқ ўрганиш, камчилик-нуқсонлар, ошкора билдирилаётган хат ва шикоятларга жиддий ҳозиржавоб муносабатда бўлиш, ўртага ташланаётган фойдали таклифлар билан ҳисоблашиш районда анъанага айланиб бормоқда.

Мана бугунги «Очиқ хатлар куни» ҳам ана шу яхши анъананинг давомидир. Шу кунги йиғилишда райкомнинг бюро аъзолари, район Совети ижроия комитети раҳбарлари, депутатлар, доимий комиссия вакиллари, саволларга аниқ жавоб бериши лозим бўлган турли ташкилот ва муассасаларнинг бошлиқлари иштирок этишди. Йиғилишга олдиндан пухта тайёргарлик кўрилди. Ариза ва илтимосномалар учун бир неча жойга махсус қутичалар осиб қўйилди. «Очиқ хатлар куни»га икки кун қолганида хат-аризалар, ёзма саволлар йиғиштириб олиниб, тегишли ташкилотларга аниқ жавоб тайёрлаш учун ҳавола қилинди.

«Очиқ хатлар куни»ни район партия комитетининг биринчи секретари А. Тўрахонов бошқарди. У илгариги «Очиқ хатлар куни»да меҳнаткашлар томонидан берилган саволларнинг жавоблари, кўтарилган масалалар, таклиф-мулоҳазаларнинг тақдири ҳақида ахборот берди. Омма билан ошкора тарзда суҳбатлашиш, қўйилаётган муаммоларни ҳал этиш учун барча имконият ва воситалардан фойдаланиш район партия комитети ва район Совети ижроия комитетининг диққат-эътиборидаги энг муҳим ва долзарб вазифа эканлигини таъкидлади. Бу сафар йиғилишнинг Киров қишлоқ Советида такрорий ўтказилишининг сабаби — шу йилнинг 16 мартида шу ерда ўтган учрашувда ўртага ташланган масалалар қандай ҳал этилганлигини қишлоқ аҳлига маълум қилиш эканлигини билдирди.

Маълумки, мазкур қишлоқ Совети территориясида «Тошкент» ва «Ленинград» совхозлари, сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачилик илмий-текшириш институти ва бошқа бир қанча ташкилотлар жойлашган. Улар аҳолининг кундалик талаб ва эҳтиёжларини ҳал қилиш масалалари билан мунтазам шуғулланмоқдалар.

Тушаётган турли шикоят ва аризаларда, илтимосномаларда кўпинча автомашиналар, мотоцикллар, гилам ва гарнитурлар, холодильникларнинг етишмаслиги, бундай буюмларни кўпайтириш зарурлиги ҳақида ёзишарди. Кейинчалик хатларнинг характери ўзгарди. Энди аксарият хат ва сигналларда молия хўжалик интизомининг бузилиши, жамоат мулкининг талон-тарож қилиниши, кўзбўямачилик ва ошириб кўрсатиш каби нуқсонлар очиб ташланмоқда. Оддий меҳнаткашлар энди камчилик-нуқсонларга, социал-иқтисодий вазифаларнинг бажарилиш жараёнига, умумхалқ ва умумдавлат аҳамиятига эга бўлган масалаларга катта қизиқиш билан қарайдиган бўлиб қолдилар. Шу муносабат билан қишлоқда меҳнаткашларнинг турмуш шароитларини яхшилаш билан боғлиқ бўлган йирик масалалар кўпроқ қўйилмоқда. Ўтган сафарги учрашувда ҳам маданий-маиший, медицина, савдо, транспорт хизматларини яхшилашга қаратилган қатор таклиф ва мулоҳазалар ўртага ташланган эди. Ҳар бир таклиф ёки савол юзасидан муддатлар белгиланиб, ижроси учун масъул кишилар тайинланган эди. Хўш, ана шу масалалар қандай ҳал этилмоқда?

Бу ҳақда ҳисобот бериш учун Киров қишлоқ Советининг раиси Маҳмуд Орипжоновга сўз берилди.

— «Тошкент» совхозининг иккинчи бўлими меҳнаткашлари,— деди М. Орипжонов,— **сартарошхона очиб беришни** илтимос қилишган эди. Алоҳида хона ажратилиб, сартарошхона ташкил қилинди. Яна шу бўлим меҳнаткашлари **тоза сув билан таъминлаш, газлаштириш, чиқиндиларни олиб кетишни йўлга қўйишни** илтимос қилишган эди. Бу ишларни Т. Аббосов, М. Усмонов, К. Нурмуҳамедов, А. Нуриддинов ўртоқлар амалга оширишяпти. Аҳоли тоза сув билан таъминланди. Қишлоқ хонадонларининг бир қисмига табиий газ ўтказилмоқда. Чиқиндиларни ташиб кетиш учун махсус транспорт ажратилди.

Чиғатой, Охунбобоев, Дамариқ кўчаларида яшовчи аҳоли ва илмий-текшириш институти ходимлари **хат-хабарларни, газета-журналларни ўз вақтида келтириб берилмаётганлигини кўрсатиб, почтальон ажратилишини талаб қилгандилар.** Бу талаб район алоқа бўлими бошлиғи А. Иброҳимов томонидан ҳал этилди.

Шунингдек, «Ленинград» совхози меҳнаткашларининг **бир неча ерга водопровод колонкалари ўрнатиш ҳақидаги** илтимослари ҳам қондирилди.

Тушган таклиф ва илтимослар орасида «Тошкент—Минвода» маршрутида қатновчи автобуслар сонини кўпайтириш масаласи қўйилган эди. У ҳал этилди. «Тошкент» совхозининг 1-бўлимида ва «Ленинград» совхозида дурадгорлик, темирчилик цехлари ва холодильникларни ремонт қиладиган устахона аҳолига хизмат кўрсатяпти. «Тошкент» совхози территориясида 320 ўринли ёзги кинотеатр, маиший хизмат кўрсатиш уйи қурилиши тугалланиб, фойдаланишга топширилди. Шу совхознинг 2-бўлимида 50 номерли телефон кабели ўтказилиб, ҳозир аҳоли хонадонларига олиб кирилмоқда.

Хуллас ўтган «Очиқ хатлар куни»даги 17 та савол, хат ва шикоятнинг 12 таси ҳал қилинди. 5 таси эса катта маблағ сарфлаш билан боғлиқ бўлганлиги учун ҳозирча ўз ечимини топгани йўқ.

«Очиқ хаатлар куни» қатнашчилари бу сафар қуйидаги масалаларни ўртага қўйишди:

— **Кинотеатр қурилиши қачон ҳал бўлади?**

Саволга сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачилик илмий-текшириш институти директори А. И. Нуриддинов жавоб берар экан Киров қишлоқ Совети билан ҳамкорликда амалга ошириладиган ишлар, қурилиши режалаштирилаётган янги уй-жойлар, маданий-маиший объектлар ҳақида гапирди. Ўн иккинчи беш йилликда сарфланадиган маблағ бошқа кўзда тутилган объектлар қаторида кинотеатр биноси учун ҳам сарфланишини маълум қилди.

**«Тошкент» совхозининг 2-бўлимидаги ҳамма аҳоли яшайдиган пунктларга ҳали водопровод қувурлари ётқизилмаган. Ёзи билан тракторда сув ташиб келтирилади. Бу ҳол қачонгача давом этади? Клубимиз қурилиши бошланганига анча бўлишига қарамай, ҳали у тугаллангани йўқ. Клуб қачон битказилиб, фойдаланишга топшириладри?**

— Совхозда ободончилик ишлари, аҳоли яшайдиган пунктларни тоза сув билан таъминлаш учун 450 минг сўм маблағ ажратилди. Энди кенг ҳажмли сув тақсимлагич қурилиб, унга насос ўрнатилади. Шундан кейин 2-бўлим территориясидаги ҳамма аҳоли тоза сув билан тўла таъминланади. Бу ишни келгуси йилнинг февраль ойи охиригача туғаллаш планлаштирилган. Клуб асосан битган. Ҳозир жиҳозлаш ишлари бажарилмоқда. Яқинда фойдаланишга топширилади.

**Трансформатор ўрнатилди. Симёғочлар ҳам тайёр бўлишига қарамай, уни ишга туширишдан дарак йўқ. Трансформатор киоскаси қачон фойдаланишга топширилади?**

Улуғ Ватан урушининг иккинчи группа инвалиди Ғайбулла Шерматовнинг юқоридаги саволига қишлоқ Советининг раиси М. Орипжонов жавоб қайтарди.

— Шу ойнинг охиригача трансформатор киоскаси ишга туширилади.

«Ленинград» совхозининг ишчиси Ғофур Алимов у яшаётган аҳоли пунктига **қачон табиий газ келтирилишини** сўради. Унинг бу саволига совхоз директори С. Суннатов жавоб қайтарди.

— Совхозни тўла ишга тушириш учун яна 12 миллион сўмлик ҳажмида қурилиш ишлари бажарилиши керак. Шулар ичида совхоз территориясидаги ҳамма аҳоли хонадонларини газ, сув билан таъминлаш, ерларни ўзлаштириш ва бошқа қурилиш ишларини амалга ошириш кўзда тутилади. Лекин бу масалаларни бир-икки ой ичида ҳал қилишнинг имконияти йўқ.

«Очиқ хатлар куни»да ўртага ташланган барча саволларга жавоб қайтарилиши билан, уларнинг ҳал этилиши район партия комитети, район Совети ижроия комитети ва Киров қишлоқ Советининг доимий назоратига олинганлиги маълум қилинади.

А. МИРЗААҲМЕДОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

## «АТЕИСТ» КЛУБИНИНГ САЙЁР МАЖЛИСИ

Тошкент шаҳрининг Киров районидаги Фирдавсий номли маҳаллада жойлашган «Атеист» клубининг сайёр мажлиси маҳаллий аҳолида зўр қизиқиш уйғотди. Чойхонада ўтказилган сайёр мажлисга кексалар ҳам, ёшлар ҳам келишди. Улар лекция тинглаб, динга қарши ҳужжатли фильмни томоша қилишди, диннинг келиб чиқиши, янги совет расм-русумлари тўғрисидаги саволларга малакали жавоблар олишди.

Қодирий номли маданият уйи ҳузуридаги район атеистлар клуби ташкил этилганига ярим йил бўлди. Бу ерда ишлаб чиқилган атеистик пропаганда программасида клубнинг ўзида, истиқомат жойларида, саноат корхоналарида хилма-хил тадбирлар ўтказиш кўзда тутилади. Клуб активлари мактабларда, муассасалар ва заводларда атеистик бурчаклар ташкил этишга кўмаклашмоқдалар.

(ЎзТАГ).

ФАН—ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

## ПАХТАНИ АВТОМАТИКА ҚУРИТАДИ

● **ПАХТА толасини қуритиш жараёнини тартибга солиб туришни автоматикага топширишди. Республика Фанлар академияси «Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси олимлари яратган махсус қурилма қуритиш барабани иш режимини бошқариб туради.**

Янги қурилмага бутун технология жараёнида энг мақбул ҳароратни сақлаб туришга ёрдам берадиган қўшимча датчиклар ва ҳисоблаш воситалари ўрнатилган. Натижада қуритилаётган пахта толасининг сифати яхшиланибгина қолмай, иссиқликнинг беҳуда кетиши анча камаяди, ёнилғи тежаб сарфланади.

Пахтани қуритишнинг автоматик методи Бекобод пахта тозалаш заводида жорий этилди.

(ЎзТАГ).

КПСС XXVII съезди материаллари юзасидан суҳбатлар

# ХАЛҚНИНГ СОЦИАЛИСТИК ЎЗ-ЎЗИНИ БОШҚАРУВИ РИВОЖЛАНИШДА

К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Ленин халқни ўз-ўзини бошқарувида социалистик жамият сиёсий ташкилотининг асосий принципини билгандилар. Улар бу принципни меҳнаткашларнинг иқтисодий ва социал ҳаётнинг барча муҳим масалалари бўйича қарорлар ишлаб чиқиш, уларни муҳокама этиш, қабул қилиш ва амалга оширишда реал иштирок этишлари деб тушундилар. Социализм ўзининг дастлабки одимларидан бошлаб ўз-ўзини бошқарув асосларида ривожланиш йўлига ўтади, яъни омма давлат ва жамоат ишларида тобора тўлароқ, амалий иштирок этиш йўлига ўтади.

СССРнинг сиёсий негизи — халқ депутатлари Советларини мисол учун олиш мумкин. Халқнинг революцион ижодкорлиги туфайли тузилган бу Советлар ўз-ўзини бошқарувнинг амалий органлари бўлиб қолди. Барча босқичдаги Советлар — маҳаллий Советлардан тортиб то СССР Олий Совети составида ҳозирги вақтда 2 миллион 300 нафардан ортиқ депутат бор. Уларнинг деярли 70 проценти ишчилар ва деҳқонлардир, қолганлари эса инженер-техник ходимлар, ўқитувчилар, врачлар, олимлар, адабиёт ва санъат арбоблари ва бошқалардир. Депутатларнинг ярмидан кўпроғини аёллар, учдан бир қисмидан ортиқроғини ёшлар (30 ёшгача бўлган) ташкил этади. Амалда мамлакатимизнинг барча миллатлари ва элатлари вакиллари депутатлардир. Анча кенг меҳнаткашлар оммаси эса Советлар орқали жамият ва давлат ишларини бошқариш санъатини эгаллайдилар. Советлар ва уларнинг органлари ишларида депутатлардан ташқари 30 миллиондан ортиқ киши иштирок этмоқда. Шундай қилиб, Советлар фақатгина давлат ҳокимияти формасигина бўлиб қолмай шу билан бирга аҳолининг мустақил фаолият кўрсатиш формаси ҳамдир.

Меҳнаткашларни ишлаб чиқаришни бошқаришга кенг жалб этиш халқнинг ўз-ўзини бошқарувини ривожлантириш учун принципиал аҳамиятга эгадир. Ҳозирги вақтда ишлаб чиқариш ўз-ўзини бошқарувининг турли формаларида мамлакатимизнинг меҳнат билан шуғулланаётган кўпчилик аҳолиси қатнашмоқда. Амалий фаолият ана шундай иштирок этишнинг янги-янги формаларини доим вужудга келтиряпти.

1983 йилда меҳнат коллективлари тўғрисида Қонуннинг қабул қилиниши корхоналар даражасида ўз-ўзини бошқарув асосларининг ривожланишида муҳим босқич бўлди. Бу Қонунда меҳнат коллективларининг ишлаб чиқариш ва социал масалаларни ҳал қилишдаги ваколатларини кенгайтиришга олиб келган қатор қоидалар бор. Бундан ташқари меҳнат коллективларига айрим ҳолларда маъмурият томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорларни мустақил равишда қабул қилиш ҳуқуқи берилган. Партия ишлаб чиқариш демократиясини ривожлантира бориб, ҳар бир меҳнат коллективини халқни социалистик ўз-ўзини бошқарувининг амалий ячейкасига айланишига эришишига интилмоқда.

Бироқ ҳали ҳамма коллективлар ҳам ўз ҳуқуқлари ва имкониятларидан амалда фойдаланмаяптилар. Шунинг учун ҳам ҳозирги вақтда меҳнат коллективлари тўғрисидаги Қонунда асослаб берилган демократик принциплар ва нормаларни амалий реализация қилиш механизмини кескин яхшилаш зарур. Бу ўринда КПСС XXVII съездининг меҳнат коллективлари Советлари (ижтимоий ўз-ўзини бошқарувнинг сайланадиган органлари) тўғрисидаги қоидаларини, шунингдек корхоналар раҳбар ходимларининг сайлаб қўйилишини босқичма-босқич кенгайтириш муҳим аҳамиятга эгадир.

Ишлаб чиқаришни бошқаришдаги демократик асосларни ривожлантириш ҳозирги вақтда, бошланғич ишлаб чиқариш коллективи — бригада даражасида кенг намоён бўлмоқда. Умумий йиғилишда бригадир ва бригада совети сайланади. Бригада раҳбарлиги ҳар бир ишчининг умумий пировард натижага қўшган ҳиссасини аниқлайди ва шунга мувофиқ унинг маоши миқдорини белгилайди. Бундан ташқари бригаданинг умумий йиғилиши ёки унинг совети бутун корхона плани лойиҳасини тайёрлашда қатнашади, ходимларнинг меҳнати ва турмуш шароитларини яхшилаш юзасидан таклифларни олдинга суради.

Касаба союзлари, комсомол, ижодий союзлар, кўнгилли жамиятлар ва бошқа жамоат ташкилотларининг халқнинг ўз-ўзини бошқарувини ривожлантиришдаги аҳамияти каттадир. Улар орасида касаба союзлари ўзининг оммавийлиги, амалда барча ишлаётганларни бирлаштириши билан ажралиб туради. Касаба союзлари меҳнаткашларни ишлаб чиқаришни, давлат ва жамоат ишларини бошқаришга жалб қилишда, меҳнат интизоми ва унумдорлигини оширишда, ўз аъзоларининг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим роль ўйнайди. Бунинг устига касаба союзлари илгарги вақтда давлат органлари томонидан бажарилган қатор вазифаларни муваффақиятли уддаламоқда. Бундай вазифалар орасида социал страхованиени бошқариш, меҳнат ҳақидаги қонунчиликка риоя қилишни назорат этиш, меҳнат ва техника хавфсизлигини муҳофаза этишнинг аҳволини назорат қилиш ва бошқалар бор. Курортлар, маданий-оқартув ва спорт муассасаларининг анчагина қисми касаба союзлари ихтиёридадир.

КПСС жамоат ташкилотларининг халқни социалистик ўз-ўзини бошқарув системасидаги, уларнинг ташаббускорлигини кучайтириш системасидаги ролини ошириш жараёнини ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда. Масалан, уруш ва меҳнат ветеранлари Бутуниттифоқ ташкилоти, хотин-қизлар советлари ва бошқа шу каби янги жамоат ташкилотларининг тузилишига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Бунда партия давлат органлари фақат жамоат ташкилотларининг иштироки ёки уларнинг олдиндан розилигини олиш билан ҳал қиладиган масалалар доираси ҳам кенгайтиришни, жамоат ташкилотларига идоралар қарорларининг ҳаракатини тўхтатиб қўйиш имконини берадиган қўшимча ҳуқуқлар берилишини зарур, деб ҳисоблайди.

КПСС бевосита демократиянинг барча шаклларидан фойдаланишга алоҳида эътибор бермоқда. Мамлакатимизда ижтимоий ҳаётнинг муҳим масалалари бўйича умумхалқ муҳакамасини ва овоз беришни йўлга қўйиш практикаси фаоллик билан такомиллаштирилади.

Албатта, социалистик демократия миқёсларини кенгайтиришда, халқнинг социалистик ўз-ўзини бошқарувини ривожлантиришда анчагина муаммолар бор. Жумладан, КПСС XXVII съездида таъкидланганидек, жамоат ташкилотларининг халқчил, ижодий, мустақиллик табиати ҳали тўла амалга оширилаётганлиги йўқ. Қатор ҳолларда бундай ташкилотлар аввало штатдаги аппарат кучи билан, расмиятчилик билан ҳаракат қилишга интилмоқдалар, оммага суст таянадилар. Социалистик давлатчилик ва аҳолининг ижтимоий мустақил фаолияти барча органлари — халқ депутатлари Советлари, касаба союзлари, комсомол, халқ контроли органлари ишини такомиллаштириш ҳам талаб этилади. Шунинг учун ҳам ҳозирги кунда гап тобора кенг меҳнаткашлар қатламларини умумдавлат ва маҳаллий ишларни — фан-техника тараққиётидан бошлаб то интизом ва тартибни мустаҳкамлашгача бўлган ишларни ҳал этишга жалб қилиш устида боради. Бунда партия аҳоли жамоат ишларини бошқаришда қанчалик кенг қатнашса, меҳнаткашлар умумхалқ, умумдавлат манфаатлари нуқтаи назаридан шунчалик кенг даражада фикрлаш ва ҳаракат қилишни ўрганадилар, социалистик демократия изчил амалга ошади, деб ҳисоблайди.

КПСС Совет жамиятининг раҳбар кучи бўлиб, уларга васийлик қилишни инкор этади. Партия жамият сиёсий системасининг ҳар бир тармоғи ташаббускорлик билан ва мустақил фаолият кўрсатишидан, ўз ҳуқуқлари ва имкониятларидан самарали фойдаланишидан манфаатдордир. Партия сиёсий системанинг барча бўғинларини ҳаракатга келтириш, уларнинг ўзаро алоқасини тартибга солиш ва йўналтириш, меҳнаткашларнинг жамоат ишларини бошқаришдаги иштирокини кенгайтириш ва активлаштиришни ўз вазифаси деб билади. У фақат шу йўл билан халқнинг ўз-ўзини бошқарувини ривожлантиришни, социалистик жамият ҳаётининг тўлақонли бўлишини таъминлаш мумкин, деб ҳисоблайди.

Маркс ва Энгельс ўз-ўзини бошқарувни келажак, коммунистик жамиятни ташкил этишнинг олий формаси деб характерлаган эдилар. Улар бу жамиятда омма ҳокимияти унинг аъзолари умумий ассоциацияси билан алмашади, бошқарув эса бевосита халқнинг ўзи томонидан халқ манфаатлари йўлида амалга оширилади, деб ҳисоблаган эдилар.

В. И. Ленин таъкидлаб ўтганидек, социал-иқтисодий ва маънавий асослар етилиши, барча гражданларнинг бошқарувга жалб қилиниши ортиб бориши, шунга мувофиқ халқаро шароитларнинг, социалистик давлатнинг мавжудлиги кўп жиҳатдан «давлатдан давлатсизликка» ўтиш формаси бўлиб қолади. Давлат органларининг фаолияти сиёсий характерга эга бўлмай қолади, алоҳида сиёсий институт сифатида давлатга бўлган эҳтиёж йўқолиб боради. Ўша вақтга келиб халқнинг социалистик ўз-ўзини бошқаруви коммунистик ижтимоий ўз-ўзини бошқарувга айланади. Сўнггисининг таркиб топиши давлатнинг ўлишини билдиради. Унинг ўрнига барча аъзолари ижтимоий ишларни ҳал қилишга тўла, тўғридан-тўғри ва актив киришадиган синфсиз жамиятни ривожлантириш жараёнларини давлатсиз, сиёсатсиз бошқариш формаси келади.

Борис БЕССОНОВ,
фалсафа фанлари доктори.

(АПН).



⊙ **БЎСТОНЛИҚ районидаги Товоқсой рўзғор химияси фабрикаси тикувчи-мотористи Дилором Маутова кунлик нормани 120 процентдан ошириш билан бирга, иккинчи цех комсомол-ёшларига бошчилик қилиб келмоқда. Тенгдошларига ўрнак бўлаётган Д. Маутовани ёшлар район комсомол конференциясига делегат қилиб сайладилар.**

